

# ҚУМҚҰРҒОНДА ТАДБИРКОРЛАР ҚАБУЛИ БЎЛИБ ЎТДИ



Қумқўрғон тумани ҳокимлиги мажлислар залида тадбиркорлар учрашуви бўлиб ўтди. Туман ҳокими Р.Гаппаров бошчилигида ўтказилган учрашувда масъуллар ҳамда тадбиркорлар иштирок этишди.

Тадбиркорлар мурожаати тингланди. Шу билан биргаликда туманда барпо этилган "Барака" савдо комплексида талабгор тадбиркорлар учун қулайликлар яратилганлиги, ушбу савдо марказида дўконларни ижарага беришда қулай, ҳамёнбоп нархларда имтиёзлар яратилганлиги айтиб ўтилди.

Мутахассислар томонидан тақдимот ўтказилди. Тадбиркорлар томонидан кўтарилган ҳар мурожаатлар тегишли ташкилотлар раҳбарлари иштирокида кўриб чиқилди, ижобий ҳал этиш вазифалари белгиланди.